ZAMONAVIY MENEGMENT VA IQTISODIYOTNING ILMIY VA AMALIY MUAMMOLARI
XII-RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA YAKUNLARI BO'YICHA ILMIY ISHLAR TO'PLAMI
Issue - 10(2026) Available at www.uznauka.uz

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯНИНГ ЎРНИ

Дадаев Кувaниш Машрабович

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

ORCID: 0009-0008-6606-0723

Электрон почта: dadaevkuvonch@gmail.com

Аннотация. *Мақолада тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда рақамли платформалар ва сунъий интеллектдан фойдаланиш жараёнида мавжуд муаммолар таҳлил қилинган ва уларнинг ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *тадбиркорлик субъектлари, рақамли платформа, интернет, сунъий интеллект, трансформация, киберхавфсизлик, стратегия, иқтисодий хавфсизлик, рақобатбардошлик.*

РОЛЬ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ СУБЪЕКТОВ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

ДАДАЕВ КУВАНИШ МАШРАБОВИЧ

Узбекский государственный университет мировых языков

Преподаватель кафедры «Социальные науки»

ORCID: 0009-0008-6606-0723

Электронная почта: dadaevkuvonch@gmail.com

Аннотация. В статье проанализированы проблемы, возникающие при использовании цифровых платформ и искусственного интеллекта в обеспечении экономической безопасности субъектов предпринимательства, и разработаны предложения по их решению.

Ключевые слова: субъекты предпринимательства, цифровая платформа, интернет, искусственный интеллект, трансформация, кибербезопасность, стратегия, экономическая безопасность, конкурентоспособность.

THE ROLE OF DIGITAL TRANSFORMATION IN ENSURING THE ECONOMIC SECURITY OF BUSINESS ENTITIES

DADAEV KUVANISH MASHRABOVICH
Uzbekistan State World Languages University
Lecturer, Department of Social Sciences
ORCID: 0009-0008-6606-0723
E-mail: dadaevkuvonch@gmail.com

Abstract. The article analyzes the problems that arise in the use of digital platforms and artificial intelligence for ensuring the economic security of business entities and develops proposals for solving them.

Keywords: business entities, digital platform, internet, artificial intelligence, transformation, cybersecurity, strategy, economic security, competitiveness.

КИРИШ. Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизми дастаклари ва омилларини таҳлил қилиш шуни

кўрсатадики, неоклассик илм-фаннинг назарий-услубий аппарати бугунги кунда тадбиркорлик субъектларини стратегик бошқариш муаммоларига тўлиқ мос келмайди. Бу эса уни миллий иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантирувчи омилга айлантириш жараёнидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Рақамли инқилоб глобал савдони тубдан ўзгартирди, бизнесларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, тарқатиш ва қиймат алмашиш шаклларини қайта шакллантирди. “Муҳими, бу жараёнда тадбиркорларимиз ҳал қилувчи куч сифатида энг олдинги сафда туриб, саноат ва сервис объектларини ташкил қилиб, доимий иш ўрни яратишда, аҳолимиз, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни касбга ўргатиб, маҳаллаларнинг ўзида ишли ва даромадли қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда” [1].

АСОСИЙ ҚИСМ (МУҲОКАМА ВА НАТИЖА). Тадқиқотларга кўра, Amazon Marketplace, Alibaba, Shopify каби платформалар ва ҳудудий электрон тижорат платформалари бизнес моделлари тушунчасини тубдан ўзгартирди [2], кичик ва ўрта корхоналарга (SME) трансчегаравий савдо, маълумотларга асосланган маркетинг ва тезкор инновацияларни амалга ошириш имконини берди [3]. Рақамли платформа асосида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари бу ўз фаолиятини онлайн платформалар орқали амалга оширадиган ва маҳсулот ёки хизматларни таклиф қилиш, мижозлар билан мулоқот қилиш ҳамда бизнес операцияларини бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланадиган корхоналардир. Бундай корхоналар турли фойдаланувчиларни ўзаро боғлаш, қиймат яратиш ва бозор имкониятларини кенгайтириш учун интернетга асосланган тизимларга таянади.

Рақамли платформалардан фойдаланиш жараёнида айрим муаммолар ҳам мавжудлиги аниқланади. Хусусан, технологик билим ва кўникмаларнинг

етарли даражада шаклланмаганлиги, молиявий ресурсларнинг чекланганлиги ҳамда рақамли инфратузилманинг ривожланиш даражаси тадбиркорлик субъектларининг рақамли трансформация жараёнига тўлиқ мослашишига тўсқинлик қилиши мумкин. Бундан ташқари, платформа экотизимларига ортиқча боғлиқлик ҳам бизнес субъектларининг мустақил ривожланишига маълум даражада таъсир кўрсатади.

Иқтисодий адабиётларда таъкидланишича, рақамли тўлов технологияларининг самарадорлиги нафақат технологик инфратузилма, балки норматив-ҳуқуқий муҳит, фискал рағбатлар ва молиявий саводхонлик даражаси билан чамбарчас боғлиқ. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон қонунчилик ҳужжатлари рақамли тўловларни оммалаштириш орқали ЯТТ ва ўзини ўзи банд қилган шахсларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим институционал асос сифатида баҳоланади. Шунингдек, data.egov.uz платформасида эълон қилинган очиқ маълумотлар рақамли тўловлар ривожи билан якка тартибдаги тадбиркорлар сонининг ошиши, ўзини ўзи банд шахсларнинг расмий рўйхатдан ўтиши ва солиқ тушумларининг кенгайиши ўртасида бевосита боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади [4].

Халқаро ташкилотлар, хусусан OECD [2] ва McKinsey Global Institute ҳисоботларида сунъий интеллект технологияларининг иқтисодий самарадорликка таъсири кенг ёритилган [5]. Сунъий интеллект (СИ) технологиялари бизнес тизимларни стратегик бошқаришнинг янги парадигмасини шакллантирувчи асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Сунъий интеллект катта ҳажмдаги маълумотларни реал вақт режимида таҳлил қилиш, мураккаб жараёнларни прогнозлаш, муқобил сценарийларни баҳолаш ҳамда бошқарув қарорларини асослаш имконини

берувчи интеллектуал механизмлар мажмуини ўзида мужассам этади. Натижада, стратегик бошқарув жараёнлари реактив тавсифдан воз кечиб, башоратли ва мослашувчан бошқарув моделига ўтмоқда [6]. Давенпорт ва Ронанки тадқиқотларида таъкидланишича, сунъий интеллект бизнес жараёнларида қарор қабул қилишни қўллаб-қувватловчи асосий восита сифатида самарадорликни сезиларли даражада оширади [7].

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда онлайн тижорат ҳамда рақамли платформалардан фойдаланиш чоғида турли хил хатарларга дуч келинмоқда. Ушбу салбий иллатларнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1) Маълумотни шифрлаш, платформалар шахсий маълумотлар учун кучли шифрлаш алгоритмларини жорий этиши керак.

2) Хавфсизлик бўйича тренинглар, фойдаланувчилар киберхавфсизлик қоидаларига риоя қилишни ўрганиши зарур.

3) Киберполиция фаолияти, халқаро ҳамкорликда кибержиноятларни аниқлаш ва олдини олишни кучайтириш.

4) Хавфсизлик тизимларини мунтазам текшириш, барча платформалар учун хавфсизлик сиёсатини янгилаш.

5) Рақамли саводхонликни ошириш, жамиятда рақамли технологиялардан хавфсиз фойдаланиш бўйича кенг қамровли тренинглар ўтказиш.

6) Киберҳужумларни олдиндан аниқлаш, инновацион технологияларга асосланган мониторинг тизимларини йўлга қўйиш.

7) Ҳуқуқий механизмларни кучайтириш, фирибгарлик ва ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун жазо чораларини белгилаш.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун “Рақамли Ўзбекистон 2030” стратегияси амалга оширилмоқда. Ушбу стратегия доирасида электрон ҳукумат хизматлари, рақамли инфратузилма ва электрон тижорат платформалари ривожлантирилмоқда. Глобал рақамли трансформация жараёнлари замонавий иқтисодиётнинг барча тармоқларида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Бугунги кунда ахборот ресурслари ва уларни бошқариш тизимлари техник инфратузилманинг бир қисмига айланди ва корхонанинг бозордаги ўрнини белгиловчи асосий стратегик актив бўлиб қаралмоқда. Айниқса, тадбиркорлик субъектлари учун маълумотларни тезкор қайта ишлаш, сақлаш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш корхонанинг операцион самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

ХУЛОСА. Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмини такомиллаштириш бўйича изчил давлат сиёсатини амалга ошириш, хусусий секторнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини кучайтириш, инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик маданиятини шакллантириш бўйича мажмуали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш таклиф этилади. Тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантириш нафақат иқтисодий ўсишга, балки ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва мамлакатнинг глобал рақобатбардошлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2025 йил 26 декабрь.

2. Organisation for Economic Co-operation and Development. OECD Digital Economy Outlook. Paris: OECD Publishing.

3. Gawer A. Digital Platforms and Ecosystems: Remarks on the Dominant Organizational Forms of the Digital Age. Innovation: Organization & Management. 2022;24(1):110–124. DOI: 10.1080/14479338.2021.1965888

4. O‘zbekiston Respublikasi ochiq ma‘lumotlar portali. Raqamli to‘lovlar va tadbirkorlik faoliyati bo‘yicha ochiq statistik ma‘lumotlar. URL: https://data.egov.uz

5. McKinsey Global Institute. The Economic Potential of AI in Telecommunications. 2024. URL: https://www.mckinsey.com

6. Teece D.J. Business Models and Dynamic Capabilities. Long Range Planning. 2018;51(1):40–49. DOI: 10.1016/j.lrp.2017.06.007

7. Davenport T.H., Ronanki R. Artificial Intelligence for the Real World. Harvard Business Review. 2018;96(1):108–116.